

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ИНТЕРФАОЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Абдиева С. П.

Нукус давлат педагогика институти

Замонавий педагогик таълим олдига турган энг муҳим вазифалардан бири - ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаша оладиган, юқори касбий маҳоратга эга педагог кадрларни тайёрлашдир. Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиши мураккаб дидактик жараён бўлиб, у нафақат билимларни ўзлаштиришни, балки шахсий ва касбий сифатларнинг трансформациясини ҳам кўзда тутати. Бу жараёнда интерфаол технологиялар анъанавий “билиш ва айтиб бериш” моделидан “тушуниш ва қўллаш олиш” моделига ўтишда асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Педагогика назариясида интерфаол таълим тушунчаси “inter” (ўзаро) ва “act” (ҳаракат қилмоқ) сўзларидан келиб чиқиб, иштирокчиларнинг ўзаро мулоқоти ва фаоллигига асосланган тизимни ифода қилади. Бу ёндашувнинг илдизлари Сократнинг диалогик суҳбатларига, кейинчалик эса Ж.Ж. Руссо ва И.Г. Песталоцчининг шахс фаоллиги ҳақидаги таълимотларига бориб тақалади. Шунингдек, Шарқ Ренессанси даври мутафаккирларидан Абу Райхон Беруний таълимда “мунозара ва изланиш” муҳимлигини таъкидлаган бўлса, Абдулла Авлоний “тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деб, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги фаол руҳий алоқани биринчи ўринга қўйган [1.18].

Замонавий тадқиқотчилардан В.А. Сластенин таъкидлаганидек: “Интерфаол таълим — бу билиш жараёнини шундай ташкил этишдирки, унда деярли барча талабалар билиш жараёнига жалб қилинади, улар нимани билганлари ва ўйлаётганларини тушуниш ва рефлексия қилиш имконига эга бўладилар” [3.197].

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда қўлаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциялашуви таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Демак, бундай шароитда юқори малакали педагогларга қўйилган талаблар ортиб бориб, баркамол авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини, педагогика ва психология методларини мукаммал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогика ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш қўникма ва малакасига эга ижодкор педагогларни тайёрлаш талаб этилади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг компетенцияларини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ривожлантиришга қаратилган куйидаги мазмундаги илмий тадқиқотлар олиб бориш мумкин: ўқитиш мазмуни ва унинг ўқув-методик таъминоти; таълим технологиялари; билимларни назорат қилишнинг объективлигини таъминлаш; умум жаҳон стандартлари талаблари асосида компетентли ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ривожлантиришга доир технологияларни ишлаб чиқиш; аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда мустақил таълимни ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчи учун таълим олиш жараёни педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда касбий жиҳатдан аҳамият саналган сифат, билим, қўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштиришнинг энг мақбул давридир. Бўлажак ўқитувчи ушбу жараёнда назарий билимларини жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантикий тузилмасини яратиш ва келажакда касбий фаолиятини ташкил этишда уларни самарали қўллаш йўллари ўрганиш каби ҳолатларни ўзида мужассам эттиради.

Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигидаги: фаол таълим олиш шаклларига бўлган эҳтиёжи ва ижтимоий заруриятнинг тўла қондирилмаётганлиги; касбий шаклланишига йўналтирилган ўқув-тарбиявий ишларни ташкил қилиш учун етарли даражада касбий-педагогик тайёргарликка эга эмасликлари; касбий шакллантиришда таълимнинг мазмуни, методи, замонавий воситаларини мустақил танлашлари учун зарур шарт-шароит яратилмаганлиги; талаб этиладиган билим ва қўникмаларнинг етарли шакллантирилмаганлиги каби номутаносибликларга барҳам бериш йўллари ва усулларини аниқлаш, улар асосида илмий тадқиқот ва тажриба синов ишларини олиб бориш орқали зарур илмий хулосалар чиқариш ҳамда илмий, амалий ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти туғилади [2.104].

Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларни ўқув жараёнининг марказига жойлаштириш, уларни шунчаки тингловчидан фаол субъектга айлантиришга қаратилган ўқитиш концепцияси илгари сурилмоқда. Шу мақсадга эришиш учун ўқув дастурларининг мазмуни ва ўқитиш технологиялари мунтазам янгиланмоқда.

Ҳар бир ўқув мавзуси, бўлимни ўрганиш жараёнида интерфаол топшириқларни тузиш имкониятини ҳам алоҳида назарда тутиш талаб этилади, чунки таълим жараёнида турли ўқув фанларини ўзлаштириш жараёнида интерфаолликни таъминлаш алоҳида технологиялардан фойдаланишни тақозо этади.

Ўқув жараёнида интерфаол технологияларни татбиқ қилиш ўқитишнинг гуруҳли шаклини амалга ошириш, жамоа бўлиб ишлаш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш имконини бериб, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ривожланишларига асос бўлади. Бундай шароитда бўлажак ўқитувчилар ўқув курсини ўзлаштириш учун ўз зиммаларига катта масъулият олади. Интерфаол технологиялар бўлажак ўқитувчиларда ахборотларни ўзлаштириш жараёнидаги фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, ўқитиш

мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан қаралганда, бўлажак ўқитувчилар билан интерфаол ишлашнинг ҳар бир шакли ўзига хос технологияларни қўллаш имконини беради. Жумладан:

“Тескари маъруза” - бу метод талабани машғулотга тайёр келишга мажбур қилади. Ўқитувчи мавзунини тушунтирмайди. Талабаларга олдиндан мавзу бўйича видео-ролик ёки матн берилади. Машғулотда талабалар мавзунини тушунтирадilar, ўқитувчи эса фақат “провокацион” саволлар бериб, уларнинг эгаллаган билиминини синайди. Натижада мустақил қидирув ва танқидий фикрлаш энг юқори даражага чиқади.

“3-2-1” методи - таълим-тарбия жараёнининг якунида (рефлексия босқичида) қўлланиладиган, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини тезкор таҳлил қилиш ва қайта алоқа ўрнатишга қаратилган интерфаол стратегиялар. Бу метод талабани машғулот давомида олган назарий билимларини саралашга, муҳимларини ажратиб олишга ва тушунарсиз қолган нуқталарни аниқлашга ўргатади [4.119].

Талаба машғулот охирида қуйидаги учта банд бўйича қисқача қайдлар ёзади:

3 та янги маълумот: машғулот давомида ўзи учун кашф қилган учта муҳим факт ёки тушунча;

2 та қизиқарли жиҳат: ўзида катта таассурот қолдирган, амалиётда қўллаш мумкин бўлган ёки хайратлантирган иккита ҳолат;

1 та савол: ҳали ҳам тушунарсиз бўлиб қолган ёки мавзу юзасидан туғилган битта жиддий савол.

Ўқитувчилар машғулот жараёнида бир қанча интерфаол методлардан фойдаланиб келишмоқда. Биз ҳозиргача ўқитиш технологияларининг бир қанча турлари билан танишамиз. Бу технологияларнинг “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Балиқ скелети”, “БББ” технологияси, “Инсерт жадвали”, “Нилуфар гули”, “Фикрлай оласанми”, “Кластер” каби турлари мавжуд. Албатта, бундай технологиялардан фойдаланиб, машғулотларни ташкил қилиш унинг қизиқарли ва самарадор бўлишига хизмат қилади.

Нима учун бу инновация ҳисобланади? Анъанавий дарсда талаба - истеъмолчи, эвристик дарсда эса - тадқиқотчи. Бу методлар талабада “Мен буни тушундим ва ўзим топдим!” деган ички мотивацияни ҳосил қилади. Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда олий педагогик таълим жараёнида интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялардан яхлит ва алоҳида-алоҳида фойдаланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг креативлигини ривожлантириш мумкин. Бунда профессор-ўқитувчилар бўлажак ўқитувчилар гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини аниқ ҳисобга олишлари керак, чунки мазкур методлар ва технологиялар ёрдамида назарий билимлар ва амалий тажрибалар бир йўла ўзлаштирилади. Бу эса, ўз навбатида, бўлажак ўқитувчиларда касбий нуқтаи назар, дунёқараш, нутқ, мантқий тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, уларда педагогик билимлар ва ҳодисалар устида танқидий фикрлаш вужудга келади. Натижада улар ўзларининг индивидуал ижодий лаёқатларини рўёбга чиқариш ва амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Шунинг учун ҳам интерфаол ўқув вазиятларини шундай ташкил этиш керакки, бўлажак ўқитувчилар янги ва ўзлаштирилган билимлар орасидаги боғланишни аниқ тасаввур этишлари лозим. Натижада улар муйян муаммонинг муқобил ечимларини топадилар, кашфиётлар қиладилар. Ҳамкорликда ишлаш жараёнида турли воситалар ёрдамида ўзларининг шахсий ғояларини шакллантирадilar.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир машғулотни яхлит ҳолатда қўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак машғулот жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчи бўлажак машғулотнинг технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эга, чунки машғулотнинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир машғулот учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусияти, бўлажак ўқитувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Кўплаб илмий манбаларни таҳлил қилиш натижасида биз касбий-педагогик таълим жараёнида амалга ошириладиган интерфаол ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ўқитишнинг интерфаол методлари ва технологиялари бўлажак ўқитувчиларнинг таълимий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади. Жумладан:

1. Интерфаол ўқитиш жараёнининг мазмунини бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимларини эгаллаш эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиши лозим. Бунда бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий қувватлари, нуқтаи назарлари, билим даражаларини аниқ ҳисобга олиш талаб этилади.

2. Интерфаол ўқитиш жараёнида бўлажак ўқитувчилар ўз кучларига нисбатан қўшимча ишонч ҳосил қилиб, умуминсоний кадриятларни ўзлаштириб, ўз ўқув фаолиятлари учун масъулият ҳиссига эга бўлади.

3. Тренинглар, ишчан ўйинлар ёрдамида бўлажак ўқитувчилар мунтазам тарзда ўз мавқеларини аниқлашга муваффақ бўлади, чунки жамоавий иш шакли мунтазам тарзда ўз мавқеини аниқлаш, ўз нуқтаи назарларини қатъият билан ҳимоя қилишни талаб этади. Бунинг натижасида гуруҳ аъзолари билан келишган ҳолда умумий ечимлар қабул қилинади ҳамда бўлажак ўқитувчиларда яхлит жамоа бўлиб ишлаш, бу жараёнда ўз қобилиятларини намоён қилиш кўникмалари шакллантирилади.

4. Интерфаол ўқитиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг ўзлари мустақил тарзда креатив қобилиятларини намоён қиладилар, фаол тарзда касбий сифатларини ўзлаштирилади.

5. Бўлажак ўқитувчилар ўзлари ўзлаштирган билимларни ва касбий сифатларини истикболдаги фаолиятларида қўллаш кўникмаларини изчил тарзда эгаллайди.

6. Интерфаол ўқитиш жараёнида вужудга келтириладиган хайрхоҳ муҳити, ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий юксалишлари учун қулай имконият яратиб, уларнинг креатив қобилиятларини мунтазам ривожлантиришга асос бўлади.

Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланишида интерфаол технологиялар қуйидаги муҳим функцияларни бажаради: 1. Коммуникатив функция: Талабаларда касбий мулоқот маданиятини шакллантиради. “Ақлий ҳужум”, “Давра суҳбати” каби методлар фикрни эркин баён этиш ва бошқалар қарашларини ҳурмат қилишни ўргатади. 2. Ижтимоий-педагогик функция: Талаба жамоада ишлаш, масъулиятни бўлишиш ва ҳамкорликда қарор қабул қилишни ўргатади. 3. Креатив функция: Муаммоли вазиятлар ва кейс-стади технологиялари талабани стандарт бўлмаган педагогик ечимлар излашга ундайди.

Маълумки, ўқитиш жараёнида умумий ўрта таълим мактабларида қўпгина методик қийинчиликлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ўқитувчиларнинг методик тайёргарликлари етарли даражада такомиллаштирилмаганлиги сабабли юзага келмоқда. Бу эса ўз-ўзидан Республикамиздаги барча педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг методик тайёргарлигига бўлган эътиборни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Шунингдек қайд этилган вазифаларни самарали ҳал этиш, республикамиздаги барча умумий ўрта таълими муассасалари учун педагог кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш, хусусан, бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида таъминлаш йўллари, воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланишини такомиллаштиришда интерфаол технологиялар шунчаки “ёрдамчи метод” эмас, балки таълимнинг мақсади ва натижасини белгиловчи стратегик воситадир. Ушбу технологиялар талабани келажакдаги касбий фаолиятига психологик, назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлайди. Педагогика назарияси доирасида ушбу жараёни тадқиқ этиш, таълимнинг инсонпарварлик тамойилларини кучайтиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1992. – 160 б.
2. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: РТМ, 2004. – Б. 104.
3. Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Педагогика: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2011. – 608 с.
4. Katy Doyon (2014). The 3-2-1 Strategy for Exit Tickets // Educational Leadership. -pp. 118-125.

Резюме. Мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий шаклланиш жараёнида интерфаол технологияларнинг назарий-методологик асослари таҳлил қилинган. Педагогика назарияси нуқтаи назаридан субъект-субъект муносабатларининг аҳамияти, интерфаол методларнинг талабаларда касбий компетенцияларни ривожлантиришдаги роли ва тарихий педагогик қарашлар билан ворисийлиги ёритилган.

Резюме. В статье проанализированы теоретико-методологические основы использования интерактивных технологий в процессе профессионального становления будущих учителей. С точки зрения теории педагогики освещены значение субъект-субъектных отношений, роль интерактивных методов в развитии профессиональных компетенций студентов и их преемственность с историческими педагогическими взглядами.

Summary. The article analyzes the theoretical and methodological foundations of using interactive technologies in the process of professional development of future teachers. From the perspective of pedagogical theory, it highlights the importance of subject-subject relationships, the role of interactive methods in developing students' professional competencies, and their continuity with historical pedagogical views.

Таянч сўзлар: педагогика назарияси, касбий шаклланиш, интерфаол технологиялар, диалогик мулоқот.

Ключевые слова: теория педагогики, профессиональное становление, интерактивные технологии, диалогическое общение.

Keywords: pedagogical theory, professional development, interactive technologies, dialogic communication.